



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 24 март, чоршанба

№25 (11.620)

Эркин нархда сотилади

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримов тақлифига биноан Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 23 март куни давлат ташири билан мамлакатимизга келди.

“Дўрмон” қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримов ва Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев шундан кўтарилиб янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтирдилар.

Икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бошланди. Дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон – Озарбойжон муносабатларининг ҳозирги аҳоли ва истиқболи, томонларни қизиқтирган қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар музокара эътибор масалалар юзасидан томонларнинг нуктаи назари ўрнатилди. Президентлар қайд этдилар.

Илҳом Каримов халқла-

римизнинг азалий дўстлиги, урф-одатлари, маданияти яқинлиги, тили ва дини бирлиги ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун катта имконият эканлигини таъкидлади. Илҳом Алиевнинг ташири билан Ўзбекистон – Озарбойжон муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа, деб атади.

Илҳом Алиев ўзаро муносабатларни ривожлантиришда Илҳом Каримовнинг хизматлари катта эканлигини таъкидлади. Шўро салтанати пароканда бўлгандан кейин икки томонлама ҳамкорлик алоқалари фақат Ўзбекистон ва Озарбойжон раҳбарларининг ўзлари кўра билиши, бамаслаҳат иш юритиши туфайли сақланиб қолди ва ривожланиш йўлидан борди, деди Илҳом Алиев.

Илҳом Каримов Ўзбекистон Озарбойжонни Жанубий Кавказдаги асосий шериги деб билишини таъ-

кидлади. Бу икки минтақада кўплаб давлатларнинг манфаатлари тутаётгани ҳам Ўзбекистон ва Озарбойжонни бир-бирига яқинлаштиради.

Президентлар хавфсизлик муаммоларига, жумладан, халқаро террорчилик ва наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш масалаларига эътибор қаратди. Ҳозирги шароит бу борада мувофиқлаштирилган тартибда баҳамжихат иш кўришни таъкидлади, мазкур муаммолар юзасидан маслаҳатлашувлари ва амалий ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Дарҳақиқат, террорчилик каби иллатларга муносабат билдиришда икки томонлама ҳамкорлик алоқалари йўл қўйиб бўлмади. Мамлакатлар, қайси қўришда бўлишидан қатъи назар, бундай иллатларга қарши қатъий курашишни керак.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада Ўзбекистон – Озарбойжон ҳамкорлигига доир қатор масалалар муҳокама қилинди. Иқтисодий ҳамкорлик кўрсаткич-

лари имконият даражасида эмаслиги таъкидланди. Лекин томонлар бу ҳусусда келажакка ишонч билан қарамоқда. Охири вақтларда савдо-иқтисодий алоқаларимиз фаоллашмоқда. Жорий йилнинг дастлабки икки ойида у бутун 2003 йилдаги кўрсаткичдан икки баробар кўпайди. Президентлар шундай сўрғат сакланиб қолди учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этди.

Илҳом Каримов Икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Озарбойжон ҳукуматлараро қўшма комиссияси самарали фаолият юритаётганини таъкидлар экан, шу ой ўрталарида унинг мажлиси бўлиб ўтганига қарамай, яна бир йўналиш таъкид этиш зарурлигини айтди. Комиссия Президентлар учрашуви якунларидан келиб чиққан ҳолда, ишга солинмаётган ва янги имкониятларни топиши, ҳамкорлик кўламини кенгайтиришнинг муайян йўллари белгилаши керак.

Мамлакатимиз раҳбари

ушбу комиссия зиммасига ишбилармон доиралар, корхоналар, молия муассасаларининг бевосита алоқаларини рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифасини топширишни тақдир этди. У икки мамлакатдаги товарлар ва хизматларни қайта кўриб чиқиши, самарали лойиҳалар бўйича тақдир ва тавсиялар тайёрлаши керак.

Масалан, Озарбойжоннинг самолётсозлик ва автомобилсозлик саноати қизиқтиради. Озарбойжон Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган Ил-76 русумли икки самолётни лизинг асосида харид қилди. Мавжуд самолётларини мамлакатимизда таъмирлаш истаги бор.

Ўзбекистон нефть-газ ва металлургия саноати соҳасида Озарбойжон билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Умуман, қўшма корхона тузиш икки томонга ҳам фойда берадиган соҳалар кўп. Илҳом Каримов Бокуда трактор, Тошкентда эса кондиционер йиғувчи корхоналар очиб имконияти мавжудлигини

таъкидлади.

Ўзбекистон ва Озарбойжон пахтачилик ҳамда ипакчилик борасида катта таърифага эга. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бу икки тармоқ ўзининг мутлақ янги тараққиёт босқичига кирди. Илҳом Каримов таъбири билан айтганда, янгидан уйғонди. Икки мамлакат ўртасида шу соҳаларда ҳам самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин.

Транспорт коммуникациялари ўзаро муносабатларда муҳим ўрин тутувчи тармоқ ҳисобланади. Мамлакатларимиз ТРАСЕКА лойиҳасининг фаол қатнашчиларидир. Лекин икки томонлама алоқаларда бу соҳада ҳам тартибга солиниши керак бўлган жиҳатлар бор. Илҳом Каримовнинг таъкидлашича, Каспий денгизи ва Озарбойжон орқали Грузиянинг Потти бандаргоҳига олиб бориладиган юк харажати Болтиқ бўйига ташиладиган юк йўлирасидан 20 фоиз кўп.

Мамлакатимиз раҳбари

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТДА НИЗОМНИЙ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги маданий ҳамкорлик мустақиллик даврида янада кенаймоқда, тараққий этмоқда. Пойтахтимизнинг энг сулуи масканларидан бири – Бобур боғи ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети туташиб турган майдонда Низомий Ганжавий ҳайкалининг қад қўтариши ана шу яқинликнинг яна бир гузал белгисидир.

23 март куни Президентлар Илҳом Каримов ва Илҳом Алиев мазкур ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида ишти-

рок этди.

Маросимни Тошкент ша-

ҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди.

Икки мамлакат давлат

мадҳиялари янгради.

Мен шу маросимда қатнашадиган азиз меҳмонларимизни, аввало, Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевни, ҳурматли адабиёт ва санъат вакиллари, Низомий ижодининг барча мухлисларини чин қалбимдан қўллашдан бахтиёрман,

– деди давлатимиз раҳба-

ри.

Бутун башариёт бадий

оланининг забардаст ваки-

ли бўлиши Низомий Ганжа-

вий – ўзининг ўлмас ва

бетакдор ижодини инсон

маънавиятини қўйлашга, э-

згулик ва фидойилик, вафо

ва садоқат, адолат ва жасо-

рат каби олижаноб туйғу-

ларни тараннум этишга ба-

ғишлаган бу улуг зот жа-

ҳондаги энг буюк шоирлар

қаторида туради, десак,

асло хато бўлмайди. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонда Низомийнинг мўтабар номи, унинг авлодларга қолдирган бой ва аjoyиб меросини билмайдиган бирорта ўзбек йўк, десак, бу ҳам айна ҳақиқат бўлади.

Илҳом Каримов буюк бобимиз, ўзбек шеърининг султони Алишер Навоий Низомий даҳосига катта ҳурмат ва эҳтиром билан қарагани, ўз ичидида бу улуг шоир қўйлаган, орзу қилган фалсафий, ижтимоий-ахлоқий гояларни, инсон эҳтири шарафлайдиган қадриятларни давом эттиргани тарихдан яхши маълум эканлигини таъкидлади.

– Тарихимиз саҳифалари ўзбек ва озарбойжон халқларининг илдизлари муштарак, тили, дини ва урф-одатлари нақадар яқин бўлганидан ҳам далолат беради. Ҳозирги авлод, икки мамлакат жамоатчили-

ги бу маданий ришталарни умумий бойлигимиз сифатида қадрлайди ва бу бойлиқни асраб-авайлаб, янада мустаҳкамлашга интилади. Бунинг тасдиғини бугунги ҳаётимизнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий соҳаларидаги кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин, – деб таъкидлади Илҳом Каримов.

Ўзбекистон раҳбари буюк Низомий Ганжавийнинг ушбу мухташам ҳайкали Тошкент Давлат педагогика университети олдидаги қўрқам майдонда қад ростлагани бежиз эмаслигини таъкидлади.

– Юртимиздаги мўтабар илм масканларидан бири бўлган ушбу университет олти йилдан бунён Низомийнинг табаррук номи билан аталиб, унинг хотирасини улуғлаб келмоқда. Аjoyиб санъат асари бўлиши бу муаззам ҳайкал замон ва макон чегараларини билмайдиган Низомий даҳосига маърифатпарвар халқимизнинг чуқур эҳтиром белгисидир, – деди Илҳом Каримов.

Айни пайтда мен бу ёдгорлиқни қардош озарбойжон халқига, унинг кўхна тарихи ва маданиятига, асрлар синовидан

ўтиб келаётган сўнмас руҳи, ирода ва матонатига, унинг ёруғ келажигига бўлган ҳурмат ва ишончнинг рамзи сифатида қабул қилишини эътиборимизга олдирдим, – деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. – Орадан йиллар, асрлар ўтади, бу мухташам ёдгорлик янги-янги авлодларимизни Низомий қўйлаган ўлмас гояларга, эзгу интилишлари муштарак икки халқни бир-бирига таянч бўлиб дўстлигини мустаҳкамлашга доимо чорлаб туради. Ишончим комилки, қардошлигимизнинг бу ёрқин тимсоли халқларимиз даҳоси яратган маданият дурдоналаридан бизларни хамиша баҳраманд этишга хизмат қилади.

Яна бир бор Низомий ватанидан, шеърят ва гузаллик юртидан ташриф буюрган сиз, азиз меҳмонларимизни дийримизга, Ўзбекистонимизга хуш келибсиз, деб қўллашга руҳант берайисиз. Ўзбек ва озарбойжон халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги янада ривожланаверсин, яна ҳам зиёда бўлсин! – деди Илҳом Каримов.

Президент Илҳом Алиев озарбойжон халқининг буюк фарзанди Ўзбекистон туп-



роғида кадр топаётгани, эъзозланаётгани учун ўзбек халқига, ушбу хайрли ишларда бош бўлиб турган Президент Илҳом Каримовга ўз мамлақати, халқи ва ҳукумати номидан самимий миннатдорлик билдирди. Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер

Навоийга ҳайкал қўйилиши

ни маълум қилди. Ушбу Низомий ҳайкалини хайкалтарош Илҳом Жабборов ишлаган, унинг меъмори – Валерий Апоп-жаниян.

(ЎЗА).

Абдувоҳид ТўРАЕВ
(ЎЗА) олган сурат.

«ОЛТИН СИФАТ» СОҲИБИ

Унинг маҳсулотлари ўтган йили Франциянинг пойтахтида ўтказилган халқаро кўргазмада ҳам юқори баҳога сазовор бўлиб, «Олтин сифат» белгиси билан тақдирланди.

Албатта, бундай мукофотга сазовор бўлиш осон эмас. Бу Тошкент туманидаги «Тўхтаниёзота» фермер хўжалиги жамоасининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш йўлидаги тинмай изланишлари самарасидир.



Бундан ўн бир йил илгари кичик корхона сифатида барпо этилган ферма кейинчалик фермер хўжалигига айлантирилди. Ҳозир унинг ихтиёрида 26,86 гектар ер майдони бор. Унинг 21,7 гектариди фермер хўжалиги учун зарур бўлган ва бошқа маҳсулотлар етиштирилмоқда. Бу ерда 60 бош қорамол ва 5600 тадан ортиқ парранда боқилапти. Уларнинг вазни маромига етгач, шу ернинг ўзидида қайта ишланмоқ-

(Давоми 2-бетда).

КЕЗАР НАВРЎЗ НАФАСИ

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида, қишлоқларида, корхона ва ташкилотларида янгилиниш, яшариш айёми тантаналари давом этмоқда

Байрамларнинг энг кўхнаси ва азалииси – Наврўз. Байрамларнинг энг гузали ва ардоқлиси – Наврўз. Шу би-



лан бирга ҳеч қачон эскирмайдигани ҳам – Наврўз. Етти ёшдан етмиш ёшгача тенг иштирок этадиган оммавий байрам ҳам – Наврўз.

Кўёшли ўлкаларда баҳорги уйғониш, янгиликлар, яшариш жараёнлари билан боғлиқ Наврўз йил боши, Янги кун сифатида умумхалқ иштирокида севиб байрам қилинади. Жумладан, серкўёш Ўзбекистонимизда ҳам Наврўз байрамларининг энг азизи, энг кутлуги сифатида шоду хуррамлик билан қутиб олинади. Чунки, Наврўз кўклагимиз дала юмушлари, экин-тикин ишлари билан уйғунлашиб келади. Зеро, уни меҳнат байрами, ризқ-рўз байрами дейишлари бежиз эмас. Наврўзнинг ўзига хос удумли ҳам беҳисоб. Шу боис у бошқа байрамлардан фарқи ўлароқ ҳаф-таблаб, ойнаб давом этади.

(Давоми 2-бетда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Эслатиб ўтамыз:

Обуна давом этмоқда

Бизнинг индекс – 205.

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Афғонистондаги тикланиш ишларида фаол иштирок этаётганини таъкидлаб, Озарбойжон томонини бу ишга даъват қилди. Айниқса, йўлсозлик ҳар бир мамлакат учун устувор. Ўзбекистон ташаббускори бўлган Трансафғон йўлаги нафақат улкан иқтисодий, балки муҳим стратегик аҳамиятга эга. Қолаверса, Ўзбекистон таклифи билан, Афғонистон ва Эрон ТРАСЕКА лойиҳасига қўшилиш ниятини билдирган. Демак, Буюк ипак йўли бўйлаб давлатлараро миқдосда товарлар ва хизмат оқимини йўлга қўйишнинг имкониятлари янада кенгаймоқда.

Илҳом Алиев Ўзбекистон раҳбарининг фикр ва мулоҳазаларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш имкониятлари қўлғини таъкидлади. Яқинда пахтачилик бўйича бир гуруҳ ўзбекистонлик мутахассислар Озарбойжонга борганини қайд этди.

Озарбойжон раҳбари Ўзбекистонга давлат таширифи билан келишга таклиф этгани учун Ислон Каримовга миннатдорлик билдирди. Бу таширифта муҳим аҳамият беришини таъкидлар экан, суҳбатлар давомида Ўзбекистон билан ҳамкорлик истиқболлига

(Давом. Боши 1-бетда).

ишончи янада мустаҳкамланганини маълум қилди. Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларацияга имзо қечдилар. Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим, 1996 йил 27 майда имзоланган эркин савдо тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида протокол, ташқи сийсат маҳкамалари ўртасида консуллик конвенцияси ва ташқи ишлар вазирликларининг ҳамкорлиги тўғрисида протокол, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Боку ижро ҳокимияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятига давлат акциядорлик жамияти билан "Озарбойжон ҳаво йўллари" давлат концерни ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Ўзбекистон ва Озарбойжон раҳбарлари ўзаро суҳбат оқиб, дўстона руҳда ўтгани, музокараларда ҳам-

корликни ривожлантиришга доир барча масалалар муҳокама этилгани, томонлар мулоқотлардан қониқиб хосил қилганини таъкидладилар. Таширф натижалари икки томонлама муносабатларни янги суръат билан ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Президентларнинг фикрича, энг муҳими, Ўзбекистон ва Озарбойжонда ҳамкорликни янги поғонага кўтариш, уни ҳар томонлама кенгайтириш истагининг мавжудлигидир. Муайян масалалар бўйича эса олий даражада фикр алмашиб олинди. Бу мулоқотлар, имзоланган ҳужжатлар тез орада ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Шу кунги олий мартабали меймон Ўзбекистон Президенти ҳамроҳлигида "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятига таширф буюриб, корхона фаолияти билан танишди. Илҳом Алиев Озарбойжон Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси янги биносининг очилиш маросимида ҳам иштирок этди. Хотира майдонидаги "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Озарбойжон Республикасининг Президентининг мамлакатимизга давлат таширифи давом этмоқда.

А. БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири.

«АХБОРОТНОМА»НИНГ ЯНГИ СОНИ

"Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномаси"нинг навбатдаги сони нашрдан чиқди.


"Ахборотнома" Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн бир йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи билан очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларига малака даражаси бериш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари нормаларини бир-бирига мувофиқлаштириш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 128-моддаси тўртинчи қисмининг ўзбек ва рус тили матнларидаги номувофиқликни бартараф этиш тўғрисидаги, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини Олий Мажлисга тақдим этиш ҳақидаги қарорлари ҳамда ушбу тақлифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган Ўзбекистон Республикаси қонунларидан қўчирмалар чоп этилган.

"Демократия ва жамият" рунида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси Буритшо Мустафоевнинг "Асосий мезон: инсон ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш" мавзусидаги мақоласи чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовнинг иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифалар ва қондаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий



тадбирлар дастурида белгиланган "Соҳага ихтисослашган журналистлар учун суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ва муаммоларига бағишланган туркум семинарлар, конференциялар ва давра суҳбатлари ташкил этиш" тадбири асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида 2003 йил 12 март, 11 июнь, 20 август ва 24 октябрь кунлари ўтказилган анжуманлардаги маърузалар чоп этилган.

"Мунозара минбари" рунида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг раиси Тоҳир Мирзаевнинг "Халқ маслаҳатчиларининг одил судловдаги роли: муаммолар ва уларнинг ечими" мавзусидаги мақоласи берилган.

"Халқро алоқалар" рунида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди вакилларининг халқро анжуманлардаги иштироки ҳамда Конституциявий судда халқро ташкилотлар вакиллари билан ўтказилган учрашувлар тўғрисидаги ахборотлар босилган.

(ЎЗА).

ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ФАХРИЙ МУКОФОТ

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида тўрт нафар Ўзбекистон фуқароларини Франциянинг фахрий мукофоти — «Академик пальма новдаси» билан таъдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Франциянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Жак Андре Костий топширди.

«Академик пальма новдаси» мукофоти Тошкент умумқўшин ҳарбий билим юрти француз тили ўқитувчиси Матлуба Усмонова, В.Гюго номидаги француз маданият маркази педагог маслаҳатчиси Худойкул Иброхимов ҳамда Ўзбекистон Жаҳон тиллари универсти-

тети француз тили факультетининг декани Маннон Нишонларга топширилди. — деди элчи жаноблари. — Эндилликда Франция ва чет давлатларнинг халқ таълими ходимлари ҳам улкан хизматлари учун ушбу мукофот соҳиб бўлишмоқда.

«Туркистон-пресс».

МУТАХАССИСЛАР ФИКРИЧА, ҲАР ЙИЛ МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДИДА СЕЛ ОҚИМЛАРИ, АЙНИҚСА, АПРЕЛЬ, МАЙ ОЙЛАРИДА АНЧА КУЧАЙДИ.

Шуни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фавкуллода вазиятлар вазирлиги, виллоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, Ички ишлар, Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа идоралар иштирокида аҳоли ва ҳудудларни табиий офатлардан муҳофаза қилишга қаратилган қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 мартдаги "Тошқин сувларини, сел оқимларини

Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Паркет тумани кенгашида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда аҳолиқу ҳуқуқномаларини бериш, бадалларни қабул қилиш, сақлаш ва уни ишла-тиш тартиби ҳақда бошлан-гич ташкилотларда болалар спортини ривожлантириш масалалари қўриб чиқилди.

ЯҚИНДАН ТАНИШДИЛАР

Тадбирда барча бошлан-гич ташкилотларининг раис-лари, шаҳар ва туманлар кенгашлари раҳбарлари иштирок эттиди.

Ўқув-семинар иштирокчилари дастлаб 1-умумтаълим мактабига бориб, спортнинг техник ва амалий турларидан ёзги биатлон, мерганлик ҳамда «Шунқорлар» ҳарбий кўпқураши бўйича секциялар, туғараклар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Ҳасанбой САБДУЛЛАЕВ.

Бутун мамлакатда бўлганидек, бизнинг виллоятимизда ҳам Наврўз тантаналари одатда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кўчат экиш ва боғ яратишдан бошланади. Бу йил Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказиш, тантаналар давомида одамлар ўртасида кадр-қиммат, иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат, хайру мурувват тадбирларига кенг ўрин бериш мақсадида ташкилий ишларга аввалдан жиддий эътибор қаратилди. Виллоят ҳокимининг 19 январдаги «Виллоятда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тузилган ташкилий қўмига аъзолари бевосита жойларда бўлишиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, тантанали йиғилиш ва халқ сайиллари ўтказиладиган майдонларни байрамона безатиш билан боғлиқ масалаларда тавсиялар бердилар ва амалий ёрдам кўрсатдилар.

Умумхалқ байрами тадбирлари доирасида февраль ва март ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги деб эълон

(Давом. Боши 1-бетда).



МАҚСАД – ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

ни хавф-хатарсиз ўтказиб юбориш ва кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни изчил амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, — деди Фавкуллода вазиятлар вазирлиги аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиги

КЕЗАР НАВРЎЗ НАФАСИ

Виллоятимиз шаҳар ва туманларида, қишлоқларида, корхона ва ташкилотларида янгилиниш, яшариш айёми тантаналари давом этмоқда

қилинганлиги Наврўз тантаналарининг жойларда ҳар йилгидан эрта бошланиши ва оммавий тус олишига туртки бўлди. Ана шу икки ойлик давомида виллоят бўйича 1096,1 гектар ҳудуд, 390 та зиёратгоҳ ва қабристонлар тозаланиб, ободонлаштирилди. 1900,1 километр узунликдаги ариқлар тартибга келтирилди. 203934 туп мева ва 2002246 туп манзарали дарахт ҳамда 381973 туп турфарахт кўчатлари экилди.

Одатдагидек бу йил ҳам Наврўз байрамига атаб қўллаб янги ишлаб чиқариш, ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар барпо этилиб, ишга туширилди. Жумладан, Ангрен шаҳрида 15-умумтаълим мактаби, ФХДБ биноси, Бекобод шаҳрида 100 ўринли меҳмонхона, керамик чепица цехи, Олмалик шаҳрида «Кимёгар» маданият саройи, Охангарон шаҳрида ис-

тироҳат боғи, Янгийўл шаҳрида «Я-Дем текстил» ҳамда «Фотик-лаззат Майя» қўшма корхоналари, Бўка туманида иккита қишлоқ врачлик пункти, Қибрай туманида доривор ўсимликларни қайта ишлаш ва қадқолаш цехи, Паркент туманида болалар шифохонаси, Юқоричирчиқ туманида «DONG-SAN» қўшма корхонаси, шунингдек, қолган шаҳар ва туманларда ҳам бир қатор ишлаб чиқариш, тиббиёт, савдо ва умумий овқатланиш, газ ва сув таъминоти объектлари ҳамда спорт иншоотлари барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу йил жойларда, айниқса, меҳрибонлик уйларида меҳр-мурувват тадбирларини ўтказиш, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳамда етим-есирлар кўнглини олиш ва моддий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Вило-

ятдаги 14 та меҳрибонлик ва гўдақлар уйи, мактаб-интернатларга масъул ходимлар ва ҳомийлар бириктирилган бўлиб, шу кунгача 57086,7 минг сўмлик мурувват кўрсатилди. Бу тадбирлар йил охиригача изчил давом эттирилади.

Виллоят ҳудудида Наврўз байрамининг асосий тадбирлари 20 март кунини шаҳар ва туманларнинг марказлари, сайилгоҳлар, истироҳат боғлари ва марказий ўйингоҳларида бўлиб ўтди. Ушбу тантаналар халқ сайилларига улашиб, театрлаштирилган томошалар уюштирилиб, махсус концерт дастурлари намойиш этилди. Халқ ўйинлари турли спорт мусобақаларига улашиб кетди. Бундай байрам тадбирлари ҳар бир корхона, ташкилот, ҳўжалик марказлари ва маҳалла гузарларида ҳам аҳоли фаоллигидан ўтди.



ҚАЛБЛАРГА МЕҲР КЕРАК

Меҳр ва мурувват йили ҳамда Наврўз байрами муносабати билан Ангрен шаҳар ҳокимлиги ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида махсус гуруҳ тузилиб, шаҳардаги 104 нафар кам таъминланган, ёлғиз қариялар аҳолидан хабар олинди ва уларга моддий ёрдам кўрсатилди, Шаҳарда саховат ишлари давом эттирилмоқда.

Равшан НЕЪМАТЖОНОВ.

ТИББИЙ КЎРИК БАҲОНА

«Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси виллоят бўлимининг бир гуруҳ ходимлари Юқоричирчиқ туманида таширф буюришди.

Улар томонидан 291 нафар она ва бола тиббий кўриқдан ўтди. «Туркистон» ширкат ҳўжалигида ўтказилган ушбу кўриқ давомида 54 та оилага бепул дори-дармонлар тарқатилди. 2 нафар аёлга эса, виллоят клиник шифохонасида даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар берилди. Тадбирнинг тўртинчи кунини ОИТС, камқонлик, ҳафқонлик хасталликларининг олдини олиш, соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни тарғиб этиш мавзусларида суҳбатлар уюштирилди.

Хуршида МЎМИНОВА.

МАКТАБ ПАСПОРТИ

Виллоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2008 йилларда Мактаб таълимининг ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ умумтаълим мактабларининг ягона шаклидаги паспорт ишлаб чиқилмоқда.

— Шахримиздаги мактабларнинг ҳаммаси ана шундай паспортга эга бўлди, — дейди Олмалик шаҳар халқ таълими бўлими мудири Баҳодир Дўсимбетов. — Маъмур ҳужжат асосида ҳар бир мактабнинг моддий-техника базаси, шарт-шароити ва қамчиликларига баҳо бериш мумкин.

Шаҳардаги 24 та мактабда 20 мингдан зиёд ўғил-қиз ўқийди. Айни пайтда айрим мактабларнинг моддий-техник базаси ночорлиги сир эмас. 15 та мактаб капитал реконструкцияга, 9 таси капитал таъмиргача муҳтож. Синфхоналар етишмаслиги боис олти мактабда дарслар икки сменада олиб боришмоқда. Педагог кадрлар ҳам етишмайди. Боз устига, мактабларда сабоқ бераётган 931 нафар ўқитувчининг аттиги 97 нафари эркаклар, холос.

Республикамизда Президентининг "2004-2008 йилларда Мактаб таълимининг ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Мурод Икромов. — Айни пайтда хизматчиларимизга қирғоқларни мустаҳкамлаш, хавфли ҳудудлардан аҳолини қўчириш, мавжуд қўлларни назоратга олиш, соғломлаштириш масканларини текшириш ҳамда аэрокузатув парвозларини ташкил этиш каби қатор вазифалар юклатилган.

Мамлакатимизда сел келиш хавфи бўлган

«Ташаббус-2004»

«ОЛТИН СИФАТ» СОҲИБИ

да ва асосий қисмидан қолбаса маҳсулотлари тайёрланаяпти. Шунингдек, бозорга парҳез гўшти ва туҳум ҳам чиқариляпти.

Чорвачилик ва паррандачилик фаолиятини олиб боришга ихтисослашган ҳўжалиқнинг қисқа муддатли тарихида 2003 йил алоҳида из қолдирди. Чет эллардан сотиб олинган асбоб-ускуналар ёрдамида ишлаб чиқариш кескин кенгайди. Қолбаса маҳсулотларининг энг хари-

(Давом. Боши 1-бетда).

доргири — узок муддат сифати бузилмай сақланадиган сосиска тайёрловчи янги технология ўзлаштирилди. Бунинг учун ферма Италиядан 133 минг АҚШ долларида «термоқолипловчи машина» линиясини кредитга олди.

Ҳажми катта ва оғир гўшт бўлақларини кесиб ҳам анча машаққатли иш. Маъмур жаранни енгиллаштириш мақсадида Австриянинг «Лебенсмителтехника» фирмаси билан ўзаро импорт шартномаси тузилиб, ўтган

йилнинг ноябрь ойида фермер ҳўжалигига янги ускуналар келтирилди. Улар фойдаланишга топширилгач, ишчи-хизматчилар сони 30 нафарга етди. Ваҳоланки, бу ерда йил бошида бор-йўғи олти киши меҳнат қиларди.

Ҳўжалида 2002 йили 25,5 миллион сўмлик гўшт ва қолбасалар тайёрланган бўлиб, қўрилган соф фойда 3 миллион сўмдан ортиқроқни ташкил этган эди. Ўтган йили эса, ишлаб чиқарилган маҳсулот



